



## БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ЛИКВИДЛИГИ ВА КОРХОНА ТЎЛОВ ЛАЁҚАТИ ТАҲЛИЛИГА МЕТОДИК ЁНДАШУВ

*и.ф.н доцент Рахимов Матназар Юсупович*

*Тошкент молия институти,*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### METHODICAL APPROACH TO THE ANALYSIS OF THE LIQUIDITY OF THE BALANCE SHEET AND SOLVENCY OF THE ENTERPRISE

*Doctor of Philosophy, Associate professor Raximov Matnazar Yusupovich*

*Tashkent Institute of Finance*

*Tashkent, Uzbekistan*

**JEL Classification:** M1, M4, M49

**Аннотация.** Мазкур мақолада бухгалтерия баланси ликвидлиги ва тўлов лаёқати, уларни таҳлил этишининг методологик асослари ва муҳим муаммолари ёритилган. Молиявий ҳолатга баҳо берининг активлар, капитал ва мажбуриятларга боғланган қисқа ва узок даврийликда тўловга қобиллигини таъминлашнинг, молиявий барқарорликка эришишининг муҳим шартлари тадқиқ этилган.

**Abstract:** This article describes the liquidity and solvency of the balance sheet, the methodological basis for their analysis and important issues. Important conditions for achieving financial stability, ensuring short-term and long-term solvency of assessing the financial condition associated with assets, capital and liabilities are studied.

**Калим сўзлар:** ликвидлик, ликвид активлар, мутлақ ликвидлик кўрсаткичлари, нисбий ликвидлик кўрсаткичлари.

**Keywords:** liquidity, liquid assets, absolute liquidity ratios, relative liquidity ratios, current liquidity, prospective liquidity.

**Кириш.** Корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашда энг мураккаб жараёнлардан биттаси бу тўловга лаёқати ва ликвидликни таҳлил этиш масаласидир. Мулкий ва молиявий ҳолатни, фаолият натижавийлиги ва пул оқимларини баҳолашнинг муҳим ахборот манабаси бўлган молиявий хисбот бўлиб ўтган жараёнларни натижасинигина эмас балки уларнинг келажакдаги кутилишларини хам башоратлаш имконини ҳамда шу асосда оптимал, самарали бошқарув карорларини кабул қилишнинг муҳим дастаги бўлган таҳлилни хам назарий, методологик, хуқуқий асосларига замонавий ёндашувларни белгилашни талаб этмоқда.

Ликвидлик ва тўлов лаёқати-мураккаб категория, молиявий имконият, таҳлилий амалиёт, истиқболли бошқарувнинг муҳим элементи сифатида қаралади.

Ликвидлик ва тўловга қобилиятилиларни хақидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олишини аниқлаш учун зарурдир.

«Ликвидлик» тушунчаси моддий бойликлар ва бошқа активларни тез пулга айланиш қобилиятини англатади. Маблағлар ҳисобига тўлов мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажара олиши қобилияти эса тўлов қобилиятини билдиради.

Демак, ликвидлик тўлов қобилиятининг зурурий ва мажбурий шартидир.

Тўлов қобилияти-молиявий мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади.

Ликвидлик-деганда хўжалик юритувчи субъект нозорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар(активлар)нинг харакатчанлиги, муддатли молиявий мажбуриятларни яқин келажакда қоплаш юзасидан маблағларнинг мавжудлиги характеристланади.

Активларнинг ликвидлик даражаси нафақат мажбуриятларнинг қопланишини, пул оқимини соғ кирими ва чиқимини балки келгусида кутиладиган ҳолатларга ҳам баҳо бериш имконини беради.

Ликвидликни одатда активлар, баланс, корхона, банк, пул, бозор, қимматли қағозлар, мулкка нисбатан муҳим кўрсаткичлари таркибланади. Ликвидлилар-қисқа даврийлиқда, тўлов лаёқати эса узок даврийлиқда баҳоланадиган муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

**Материал ва метод.** Замонавий адабиётларда бир нечта тегишли ликвидлик таърифлари кўлланилди - бу

активларнинг ликвидлиги, баланс ликвидлиги ва корхонанинг ликвидлиги [5].

Активлар ликвидлиги-бу активларнинг нақд пулга айланиш қобилиятини характерлайди. Активларнинг ликвидлиги ташкилот раҳбарлари мулкни ва уни молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва бошқариш самарадорлигини кўрсатади [6].

Корхона ликвидлиги-бу корхонанинг барча турдаги тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажариш қобилиятидир. Корхонанинг ликвидлик кўрсаткичи унинг молиявий барқарорлигини, ишбилармонлик обрўсини ва инвестицион фаоллигини баҳолашда муҳим рол ўйнайди [7]. Баланс ликвидлиги-жорий активларнинг узоқ муддатли манбалар билан таъминланиш даражасини ифода этади. Баланснинг ликвидлиги активларнинг ликвидлигидан фарқ қиласи. Баланс ликвидлиги активларни нақд пулга айлантириш учун зарур бўлган вақтнинг ифодаси сифатида қаралади [8].

Ликвидлик - тўлов қобилиятининг мажбурий ва зарурий шартидир. Тўлов қобилияти кўрсаткичи тўғридан-тўғри ликвидлик даражасига боғлиқ. Тўлов қобилияти - корхонанинг молиявий мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида бажариш қобилиятидир ёки бўш пул маблағларининг мавжудлигини акс эттирувчи кўраткич ҳисобланади [9]. Тўлов қобилияти, биринчи навбатда, корхона активларининг ликвидлиги, молиявий натижаларнинг барқарор ва ижобий даражаси, пул маблағларини эркин бошқариш ва бошқалар асосида таъминланадиган жиҳатдир [10]. Ликвидлик ва тўлов қобилияти

тушунчаларининг таърифларига асосланиб улар бир хил тушунчлар эмас деган хуносага келиш мумкин [11]. Тўлов қобилияти ва ликвидлик тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ликвидлик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари ёрдамида корхонанинг молиявий ҳолатини қисқа муддатли истиқболда баҳолаш мумкин [12]. Ликвидлик ва тўлов қобилиягини таҳлил қилишнинг асосий мақсади корхонанинг молиявий фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида топиш ва бартараф этишдан иборат [13].

Балансининг ликвидлиги - хўжалик юритувчи субъектнинг активларни накд пулга айлантириш ва тўлов мажбуриятларини тўлаш қобилияти, аниқроғи, бу корхонанинг қарз мажбуриятларини унинг активлари билан қоплаш даражасини характерлайди.

Тўлов қобилиягини таҳлил қилиш нафақат корхонанинг молиявий фаолиятини баҳолаш ва прогноз қилиш учун, балки ташқи инвесторлар учун ҳам зарурдир.

Баланснинг ликвидлиги ва корхонанинг тўлов қобилияти унинг жорий молиявий ҳолатининг ўзига хос хусусияти жихати сифатида қаралади. Бошқача қилиб айтганда, ликвидлик - тўлов қобилиятини сақлаб қолиш усулидир. Тўлов қобилиятини баҳолашда асосий мезон эса мажбуриятларнинг қопланишидир. Мажбуриятларнинг узок ва жорий қисмга бўлиниши эса узок муддатли ва жорий тўлов қобилиятини аниқлашни талаб этади [14].

Тўлов қобилияти иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим белгисидир. Агар ташкилот молиявий барқарор ва тўлов қобилиятига эга бўлса, у инвестицияларни жалб қилиш, кредитлар

олиш, мол етказиб берувчиларни танлашда бошқа корхоналарга нисбатан устунликка эга бўлади. Корхонанинг барқарорлиги қанчалик юқори бўлса, у бозор конъюнктурасидаги кутилмаган ўзгаришлардан мустақил бўлади ва банкротлик хавфи шунчалик кам бўлади.

Тўлов қобилияти, шунингдек, ликвидлик молиявий барқарорликнинг ташқи кўриниши бўлиб, унинг моҳияти айланма активларни узок муддатли шаклланиш манбалари билан таъминлашдан иборат [15]. Мақолани шакллантиришда молиявий таҳлилнинг муҳим усуллари: горизонтал, вертикал, омилли таҳлил, коэффицентлар таҳлили усулларидан кенг фойдаланилди. Таҳлилий жадваллар, ҳисоб-китоблар хизмат кўрсатишнинг муҳим бўғини бўлган Ўзбекистон Темир йўллари акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида тушиб чиқилди.

**Натижалар.** Бухгалтерия баланси ликвидлиги бўйича иккита муҳим кўрсаткич баҳоланади.

1. Соф айланма активлар

2. Жорий ликвидлилик коэффиценти

Соф айланма активлар суммаси қўйидаги формула асосида топилади:

$$Ксаа = \text{Жорий активлар} / \text{Қисқа муддатли мажбуриятлар} \quad (1)$$

Жорий ликвидлилик коэффиценти ушбу кўрсаткичларнинг нисбий ифодасида билан аниқланади.

$$Кжсл = \text{Жорий активлар} / \text{Қисқа муддатли мажбуриятлар} \quad (2)$$

Ликвидлик ва тўлов қобилиятини таҳлил қилишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Шунингдек, биронта норматив хужжатда ушбу кўрсаткични аниқлаш тартиби ва уни молиявий ҳисобот шакллари ҳамда уларнинг сатрлари

бўйича расмий қоидалари белгиланмаган.

Таҳлил этишда ликвидлик ва тўлов лаёқатини куйидаги қаторлар бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

-активлар ва баланс ликвидлигини таҳлил қилиш;

-ликвидликни коэффицентларда баҳолаш;

- ликвидликни омилли таҳлил қилиш;  
-корхона тўлов қобилиятини таҳлил қилиш;

-тўлов қобилиятини омилли ва истиқболли таҳлил қилиш

Активлар ва баланс ликвидлигини таҳлил қилишда маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаалари қуйидаги таркибий гурухларга ажратилади.

### I-жадвал

#### Баланс ликвидлигига бўйича актив ва пассивнинг таркибланиши[12]

Актив	Пассив
(A1) Доимий харакатдаги активлар	(П1) Тўлов муддати келган мажбуриятлар
(A2) Тез пулга айланадиган активлар	(П2) Қисқа муддатли мажбуриятлар
(A3) Секин пулга айланадиган активлар	(П3) Узоқ муддатли мажбуриятлар
(A4) Қийин пулга айланадиган активлар	(П4) Доимий пассивлар

Доимий харакатдаги активлар(A1) қаторида баланс моддалари бўйича қуйидаги сатрлар жамлаб олинади:

$$A1 = 320 \text{ сатр} + 370 \text{ сатр} + 380 \text{ сатр}.$$

Тез пулга айланадиган активлар(A2) қаторида дебиторлик мажбуриятлари аск эттирилади:

$$A2 = 210 \text{ сатр}.$$

Секин пулга айланадиган активлар(A3) таркибига товар моддий захирлар, келгуси давр ҳаражатлари, кечикирилган ҳаражат моддалари киритилади:

$$A3 = 140 \text{ сатр} + 190 \text{ сатр} + 200 \text{ сатр}.$$

Қийин пулга айланадиган активлар(A4) таркибига узоқ муддатли активлар киритилади:

$$A4 = 130 \text{ сатр}.$$

Капитал ва мажбуриятлар таркибига киравчи баланс моддалари қуйидаги қаторлар бўйича таркибланади:

Тўлов муддати келган мажбуриятлар(П1);

$$P1 = 601 \text{ сатр}$$

Қисқа муддатли мажбуриятлар(П2)

таркибига қисқа муддатли кредитлар, қарзлар ҳамда узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми киритилади:

$$P2 = 730 \text{ сатр} + 740 \text{ сатр} + 750 \text{ сатр}$$

Узоқ муддатли мажбуриятлар(П3) таркибига узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар киритилади:

$$P3 = 490 \text{ сатр}$$

Доимий пассивлар(П4) таркибига ўз маблағлари манбаси киритилади:

$$P4 = 480 \text{ сатр}$$

Мазкур кўрсаткичларни ўзаро фарқлаш асосида баланс ликвидлигига баҳо берилади.

Бухгалтерия баланси ликвидли ҳисобланади, қачонки қуйидаги боғлиқлик сақланса:

$$A1 \geq P1; A2 \geq P2; A3 \geq P3; A4 \leq P4. \quad (3)$$

Зарурӣ белгиларнинг ўзгаришига қараб ликвидликнинг юқори, ўрта, қуи ва паст даражалари белгиланади.

## 2-жадвал

### Баланс ликвидигига нисбатан белгиланган мөёрий талаблар[11]

$A1 \geq P1$	$A1 \leq P1$	$A1 \leq P1$	$A1 \leq P1$
$A2 \geq P2$	$A2 \geq P2$	$A2 \leq P2$	$A2 \leq P2$
$A3 \geq P3$	$A3 \geq P3$	$A3 \geq P3$	$A3 \leq P3$
$A4 \leq P4$	$A4 \leq P4$	$A4 \leq P4$	$A4 \geq P4$
<i>Юқори</i>	<i>Үртa</i>	<i>Күйи</i>	<i>Паст</i>
<i>Мутлақ ликвидлик</i>	<i>Ликвидлик</i>	<i>Ноликвидлик</i>	<i>Кризис ҳолати</i>

Ликвидликни нисбий ифодалари сифатида қуидаги күрсаткичлар аниқланади:

Мутлақ ликвидлик (Кал):

$$\text{Кал} = A1/(P1+P2) \quad (4)$$

Бухгалтерия баланси сатрлари бүйича:  
 $\text{Кал}=320\text{сатр}+370\text{сатр}+380\text{сатр}/601\text{сатр}+730\text{сатр}+740\text{сатр}+750\text{сатр}$

Мазур күрсаткичнинг қуий нормаси – Кал 0,2 – 0,5 даражада бўлиши мақбул хисобланади.

Тезкор(оралиқ) ликвидлик коэффициенти (Ккл):

$$\text{Ккл} = (A1+A2)/(P1+P2) \quad (5)$$

Бухгалтерия баланси сатрлари бүйича.  
 $\text{Кал}=320\text{сатр}+370\text{сатр}+380\text{сатр}+210\text{сатр}+140\text{сатр}+190\text{сатр}+200\text{сатр}/601\text{сатр}+730\text{сатр}+740\text{сатр}+750\text{сатр}$

Коэффицентнинг қуий нормаси – Ккл 0.7- 1.0 га teng бўлиши мақбул хисобланади

Умумий(жорий) ликвидлик коэффициенти

$$\text{Кул} = (A1+A2+A3)/(P1+P2) \quad (6)$$

Бухгалтерия баланси сатрлари бүйича:  
 $\text{Кал}=320\text{сатр}+370\text{сатр}+380\text{сатр}+201\text{сатр}+601\text{сатр}+730\text{сатр}+740\text{сатр}+750\text{сатр}$

Коэффицентнинг қуий нормаси -Кул 1.5-2.0 га teng бўлиши мақбул хисобланади.

Баланс ликвидлигини коэффициентларда баҳолаш юзасидан қуидаги нисбатларни таркиблаш ўринли хисобланади.

## 3-жадвал

### Баланс ликвидлигини нисбий ифодалари<sup>1</sup>

	Коэффицентлар	Аниқланиши
1.	Доимий ҳаракатдаги активларни тўлов муддати келган мажбуриятларга нисбати	$A1/P1$
2.	Доимий ҳаракатдаги активларни жорий мажбуриятларга нисбати	$A1/P1+P2$
3.	Доимий ҳаракатдаги активларни жами мажбуриятларга нисбати	$A1/P1+P2+P3$

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузиб чиқилган

4.	Доиймий харакатдаги активлар ва тез пулга айланадиган активларни түлов муддати келган мажбуриятларга нисбати	A1+A2/ П1
5.	Доиймий харакатдаги активлар ва тез пулга айланадиган активларни жорий мажбуриятларга нисбати	A1+A2/ П1+П2
6.	Доиймий харакатдаги активлар, тез пулга айланадиган активлар ва секин пулга айланадиган активларни жами мажбуриятларга нисбати	A1+A2/ П1+П2+П3
7.	Доиймий харакатдаги активлар, тез пулга айланадиган активлар ва секин пулга айланадиган активларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати	A1+A2+A3/ П1
8.	Доиймий харакатдаги активлар, тез пулга айланадиган активлар ва секин пулга айланадиган активларни жорий мажбуриятларга нисбати	A1+A2+A3/ П1+П2
9.	Доиймий харакатдаги активлар, тез пулга айланадиган активлар ва секин пулга айланадиган активларни жами мажбуриятларга нисбати	A1+A2+A3/ П1+П2+П3
10.	Доимий пассивларни қийин сотиладиган активларда нисбати	П4/А4
11.	Доимий пассивлар ва узоқ муддатли қарз маблағларини қийин сотиладиган активларда жамланиши	П4+П3/А4
12.	Ўз маблағлари нақдлигини нисбий ифодаси	(П4+П3)-А4/А3

Ушбу кўрсаткичларнинг айримлари мутлақ, оралик ва умумий тўлов лаёқати кўрсаткичларига мос тушади. Бирок қолган қаторлар бўйича нисбий кўрсаткичларни аниқлаш баланс ликвилиги ва тўлов лаёқатига нисбатан эмас балки молиявий барқарорлик, кредитга лаёқатлик, инвестицион активлик ва бошқа жиҳатларда молиявий ҳолатнинг бошқа, бошқа жиҳатларини даврий ўрганишда баҳоланинг кўрсаткичлар сифатида қаралади.

Ликвидлик таҳлилида молиявий ҳолатни баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичи бу соф активлар кўрсаткичи ҳисобланади.

Соф активларни суммасини аниқлаш учун жами активлардан жами мажбуриятлар чегирилади

Ликвидликни омилли таҳлил қилиш. Омилли таҳлил энг мураккаб ва зарурий жараён ҳисобланади. Ликвидликка таъсир этувчи омилларни қўйидаги боғланишларда ифода этиш мумкин.

**4-жадвал**

**Ликвидлиликга таъсир этувчи бирликлар ва уларнинг гурухи<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	Кредиторлик мажбуриятлари(П1)	Киска муддатли кредитлар ва қарзлар(П2)	Ўзок муддатли кредитлар ва қарзлар(П3)
Актив/Пассив			
Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий кўйилмалар(A1)	A1/П1	A1/П1+П2	A1/П1+П2+П3
Дебиторлик мажбуриятлари(A2)	A1+A2/П1	A1+A2/П1+П2	A1+A2/П1+П2+П3
Товар моддий захиралар(A3)	A1+A2+A3/П1	A1+A2+A3/П1+П2	A1+A2+A3/П1+П2+П3

**5-жадвал**

**Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий кўйилмаларнинг ликвидликка таъсири(A1)<sup>3</sup>**

Кўрсаткичлар	Кредиторлик мажбуриятлари(П1)	Киска муддатли кредитлар ва қарзлар(П2)	Ўзок муддатли кредитлар ва қарзлар(П3)
Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий кўйилмалар(A1)	A1 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub>	A1 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 <sub>0</sub>
	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 <sub>0</sub>
	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub>	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 <sub>0</sub>
	x	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>1</sub>	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>1</sub> +П3 <sub>0</sub>
	x	x	A1 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>1</sub> +П3 <sub>1</sub>

**6-жадвал**

**Дебиторлик мажбуриятлари ўзгаришининг ликвидликка таъсири<sup>4</sup>(A2)**

Кўрсаткичлар	Кредиторлик мажбуриятлари(П1)	Киска муддатли кредитлар ва қарзлар(П2)	Ўзок муддатли кредитлар ва қарзлар(П3)
Дебиторлик мажбуриятлари(A2)	A1 <sub>0</sub> +A2 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>0</sub> +A2 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub>	A1 <sub>0</sub> +A2 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 <sub>0</sub>
	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>0</sub> /П1 <sub>1</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 <sub>0</sub>

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузиб чиқилган

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>4</sup> Муаллиф ишланмаси

	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> + A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 <sub>0</sub>
	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub>	A1 <sub>1</sub> + A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 <sub>0</sub>
x		A1 <sub>1</sub> + A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>1</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>1</sub> +П3 <sub>0</sub>
x		x	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>1</sub> +П3 <sub>1</sub>

Бунда 0-ўтган давр маълумоти, 1-ўтган давр маълумоти,

Ликвидликни самарали бошқариш масаласи менежментда энг муҳим масала ҳисобланади.

Корхонанинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини ошириш йўллари сифатида куйидагиларни тавсия этишимиз мумкин:

-пул маблағлари оқимини бюджетлаштириш;

-фойдаланилмаётган активларни аниқлаш ва уларни сотиш;

-инвестицияларни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;

-маҳсулотлар таннархни ҳисоблаш ва режалаштириш;

-солиқлар ва тўловларни режалаштириш;

-маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш;

-ассортиментни бошқариш;

Юқоридаги барча чоралар қандайдир тарзда маблағларни тўлдиришга ва энг ликвид активларни кўпайтиришга қаратилган. Шу билан бирга, баланс мажбуриятининг тузилиши, солиқ органлари, ижтимоий сугурта органлари, шунингдек етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ўз вақтида ҳисобкитобларни унутманг. Узоқ муддатли кредиторлик қарзларининг реструктуризацияси тўлов қобилиятининг якуний кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Ликвидлилик ва тўлов қобилиятини таҳлил этишдаги энг муҳим муаммолардан бири бу тўлов қобилиятига ликвидликнинг нисбий ифоси сифатида қаралишидир. Аслида бу тўғри эмас.

## 7-жадвал

### Товар моддий захиралар ўзгаришининг ликвидликка таъсири<sup>5</sup>(A3)

Кўрсаткичлар	Кредиторлик мажбуриятлари(П1 )	Киска муддатли кредитлар ва қарзлар(П2)	Ўзоқ муддатли кредитлар ва қарзлар(П3)
Товар моддий захиралар(A3 )	A1 <sub>0</sub> +A2 <sub>0</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>0</sub> +A2 <sub>0</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 0	A1 <sub>0</sub> +A2 <sub>0</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 0
	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>0</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>0</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 0	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>0</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 0
	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 0	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> +A3 <sub>0</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 0
	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> +A3 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub>	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> +A3 <sub>1</sub> /П1 <sub>0</sub> +П2 0	A1 <sub>1</sub> +A2 <sub>1</sub> +A3 <sub>1</sub> /П1 <sub>1</sub> +П2 <sub>0</sub> +П3 0

<sup>5</sup> Муаллиф ишланмаси

	A <sub>11</sub> +A <sub>21</sub> +A <sub>31</sub> /П <sub>11</sub>	A <sub>11</sub> +A <sub>21</sub> +A <sub>31</sub> /П <sub>11</sub> +П <sub>2</sub> 0	A <sub>11</sub> +A <sub>21</sub> A <sub>31</sub> /П <sub>11</sub> +П <sub>20</sub> +П <sub>30</sub>
x		A <sub>11</sub> +A <sub>21</sub> +A <sub>31</sub> /П <sub>11</sub> +П <sub>2</sub> 1	A <sub>11</sub> +A <sub>21</sub> A <sub>31</sub> /П <sub>11</sub> +П <sub>21</sub> +П <sub>30</sub>
xx		x	A <sub>11</sub> +A <sub>21</sub> A <sub>31</sub> /П <sub>11</sub> +П <sub>21</sub> +П <sub>10</sub>

Иккинчи муҳим муаммо ликвидлилик ва тўловга кобиляти бўйича ягона методологик тартибга эга эмаслиқдир. Биронта норматив хужжат ёки тартиб ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва баҳолашнинг аниқ тартибини белгилаб бермайди.

Ликвидлилик бўйича бир гурух олимлар узок муддатли активлар қаторидаги молиявий активларни, товар моддий захиралар таркибидаги келгуси давр харажатлар ҳамда кечикирилган харажат моддаларини, дебиторлик мажбуриятлари қаторидаги муддати ўтган мажбуриятларни, пул маблағлари якунида келадиган бошқа жорий активларни ликвидлик гурухига қайта таркиблашда фарқ этувчи жихатларни тавсия этишмоқда..

Шунингдек, корхона тўлов қобилятини баҳолашда ҳам худди шу каби муаммоларга дуч келинади.

Тўлов қобилятини мутлақ, оралиқ ва жорий кўрсаткичларни баҳолашда активларнинг А1, А2, А3 бирликлари, мажбуриятларнинг П1, П2, бирликлари ўзаро нисбатларига ва уларнинг мутлақ ўзгаришларига муҳим ахамият бўйича камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активлар акс эттирилади.

А2 таркибга дебиторлик мажбуриятлари тўлиқ, Бироқ, муддати ўтган мажбуриятлар чегирилган ҳолда.

А3 таркибга товар моддий захирлар, келгуси давр харажатлари ва кечикирилган харажатлар киритилади.

қаратилади.

А1 таркибга пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар жамланади. Пул маблағлари қаторига кассадаги, ҳисобкитоб ва валюта ҳисобларида пул маблағлари суммаси шунингдек, бошқа пул маблағлари кўрсатилади.

Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари моддаси бўйича банкдаги маҳсус ҳисоблардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи, пул эквивалентларини ҳисобга олувчи, йўлдаги пул маблағларини (ўтказмаларини) ҳисобга олувчи счетлардаги пул маблағлари қолдиги кўрсатилади.

Қисқа муддатли инвестициялар моддаси бўйича ҳисоби қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобларида малга ошириладиган корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қофозларига, давлат облигациялари ва маҳаллий қарз (заём) ҳамда шу сингариларга қисқа муддатли (12 ойдан ошмайдиган муддатга) инвестициялар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқа жорий инвестициялар кўрсатилади.

Бошқа жорий активлар моддаси П1 ва П2 таркиб мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятларини ҳамда қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағларни ўз ичига олади.

Баланс моддаларига нисбатан:  
 $T_{L\text{мутлақ}} = (320\text{сатр} + 370\text{сатр} + 380\text{сатр}) / 600 \text{ сатр}$   
 $T_{L\text{тезкор}} = (320\text{сатр} + 370\text{сатр} + 380\text{сатр}) + (210\text{сатр} - 211\text{стр}) / 600 \text{ сатр}$



Тлжорий=(320сатр+370сатр+380сатр)+(210сатр-211стр)+(140сатр+190 сатр+200 сатр)/600 сатр

Ликвидилик ва тўловга лаёкатлик кўрсаткичларини Ўзбекистон Темир йуллари акциядорлик жамияти молиявий ҳисобот маълумотлари асосида қуида кўриб чиқамиз.

**8-жадвал**  
**Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамиятининг 2019-2020 йиллар бўйича  
 йиллик молиявий ҳисботлари<sup>6</sup>**  
**1шакл.Бухгалтерия баланси**

Актив	Дб	До	Пассив	Дб	До
Узок муддатли активлар (A4)	24263525866 .00	23639636266. 00	Уз маблаглари манбаси	17433360843. 00	1615408317 4.00
Жорий активлар	11986562293 .00	13155172330. 00	Шу жумладан:		
Товар моддий захиралар (A3)	1292557212. 00	1779801432.0 0	Устав капитали(П4)	5573026532.0 0	3989176286. 00
Келгуси давр харажатлари (A3)	8147840186. 00	8012437221.0 0	Резерв капитали(П4)	11168339190. 00	1130567163 1.00
Кечикирилган харажатлар(A3)	15508		Таксимланмаган фойда(П4)	531986809.00	569259078.0 0
Дебиторлик мажбуриятлари(A2)	1698781339. 00	2724617206.0 0	Максадли тушумлар(П4)	160008312.00	289976179.0 0
Шундан муддати утган дебиторлик мажбуриятлари (-A2)	30052849.00	43270876.00	Мажбуриятлар	18816727316. 00	2064072542 2.00
Пул маблаглари(A1)	481909753.0 0	397612185.00	Узок муддатли (П3)	16767327464. 00	1875831876 6.00
Киска муддатли инвестициялар(A1)	1461945.00	81561945.00	Киска муддатли кредит ва карзлар (П2)	201758222,00	53414207,00
Бошка жорий активлар(A1)	3414161.00	3174817.00	Кредиторлик(П1)	1847641630,0 0	1828992449, 00
			Шундан муддати утган кредиторлик мажбуриятлари (П1)	281496923.00	205981225.0 0
Баланс	36250088159 .00	36794808596. 00	Баланс	36250088159. 00	3679480859 6.00

<sup>6</sup> <https://railway.uz> –Ўзбекистон темир йўллари АЖ

Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамияти мулки ва активлари жиҳатидан Республикада ягона корхоналардан биттаси ҳисобланади. Жорий даврда унинг эгалиги ва тасарруфидаги активлар хажми 36.7 триллион сўмни ташкил қилган. Шундан, узоқ муддатли активлар хажми 23.6 триллион сўмни, жами активлар таркибидаги уларнинг салмоғи эса 64.3 фоизни ташкил қилган. Ахамиятли жиҳат шундаки, мавжуд узоқ муддатли активларни молиялаштиришнинг асосий манбаси сифатида қарз капиталига кўпроқ ўрғу берилган. Уларнинг хажми жорий даврда 18.7 триллион сўмни ташкил қилган. Яна битта муҳим жиҳат эса айланма активлар таркибida келгуси давр харажатлари суммаси жорий даврда 8.0 триллион сўмни такил қилган ва унинг секин сотилувчи активлар қаторида(A3) 82 фоизни ташкил қилган.

Келгуси давр харажатлари қаторида бундай сумманинг шаклланиши эса баланснинг энг оғриқли моддалари сифатида эътироф этилади. Молиявий ҳисоботга қайдларда ушбу қатордаги суммага албатта шархлар берилиши лозим эди.

Активларни молиялаштиришни муҳим манбаси бўлган ўз маблағлари манбаси жорий даврда баланс жамида бор йўғи 43 фоизни ташкил қилган. Ушбу даража халқаро амалиёт бўйича жуда яхши натижга, бироқ республикамиздаги амалдаги тартиблар ва соҳанинг давлат бўйсунуви ва монополијига нисбатан мақбул бўлмаган ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари манбасида резер капитали суммаси 11.3 триллион сўм хажмида тўпланишини ҳам очиқлаш талаб этилади

## 9-жадвал

### 2-шакл. Молиявий нациалар тўғрисидаги ҳисобот<sup>7</sup>

Курсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
Сотишдан соғ тушум	8131417131.00	9277298739.00
Сотилган махсулот таннархи	(5294196934.00)	(5872044700.00)
Сотишдан ялпи фойда	2837220197.00	3405254039.00
Давр харажатлари	(1045081236.00)	(1606982333.00)
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	381511836.00	328081187.00
Асосий фаолиятнинг фойдаси	2173650797.00	2126352893.00
Молиявий фаолият даромадлари	392504630.00	406392098.00
Молиявий фаолият харажатлари	(2918855662.00)	(2478207317.00)
Фавқулодда фойда ва заарлар	0.00	0.00
Фойда солиги тулагунга қадар фойда	(352700235.00 )	54537674.00
Соф фойда	(352700235.00)	37272269.00

<sup>7</sup> <https://railway.uz> –Ўзбекистон темир йўллари АЖ

Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамиятининг ўтган давр бўйича молиявий натижаларида ижобий силжишларни кузатиш мумкин. Бироқ, соҳадаги салбий ҳолатлар пандемия шароитида юк ва аҳоли ташиш бўйича режадаги кўрсаткичларнинг бажарилмаслиги сабаб бўлганлигини алоҳида қайд ўтиш лозим.

Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамиятининг иш самарадорлигини баҳолайдиган бўлсан жорий даврда асосий фаолият бўйича ҳар бир сўмлик активга нисбатан ишлаб топилган даромад 27.4 тийинни, ўтган йилнинг шу даврида 22.3 тийинни ташкил қилган.

Акциядорлик жамиятида ўтган йилда фаолият зарар билан яқунланган. Жорий даврга келиб 37 миллиард сўмлик соф фойдага эришилган. Активларга нисбатан фаолиятнинг даромадлиги (рентабеллиги) бор йўғи 1 фоизни ташкил қилган. Бу эса, истиқболда кескин чоралар кўрилмаса соҳанинг келгусидаги ривожланишини шубха остида қолдиради.

Узок муддатли активлар қаторида асосий воситаларнинг улуши 70-73 фоизни ташкил қилмоқда. Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси 62-65 фоизни ташкил қилган ҳолда бошқа соҳаларга нисбатан яхши эканлигини куриш мумкин.

Корхонада доимий харакатдаги активлар (пул маблуғлари ва қисқа муддати инвестцияар) нинг тўлов

муддати келган мажбуриятларни қоплашга етишмовчилиги, тез пулга айланадиган активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашдаги ортиқчалиги, секин пулга айланадиган активларнинг узок муддатли мажбуриятларни қоплашдаги ортиқчалиги, доимий пассивларнинг қийин сотиладиган активларни молиялаштиришдаги етишмовчилиги кузатилган. Кохонадаги бухгалтерия баланси ликвидлигини қўйи ҳолатини кузатиш мумкин. Баланс ликвидлигига нисбатан қўйидагиларни тавсия этиб ўтиш лозим.

Биринчидан, соҳада узок муддатли активларни инвентаризациясини ўтказиш ва уларнинг мақбул қисмини сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўриш, асосий воситаларнинг оптимал хажми ва улардан самарали фойдаланишнинг чоралари кўриш зарур.

Иккинчидан, балансда оғриқли сатрлар сифатида эътироф этилган келгуси давр харажатлари(8.0 триллон сўм), муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлари (43.2 миллиард сўм) қопланиши юзасидан аниқ ечимларга келиш лозим бўлади.

Учинчидан, узок муддатли ва жорий активларни ўз ва қарз капитали ҳисобига молиялаштиришда уларнинг ўзаро нисбатларига муҳим аҳамият қаратиш лозим.

10-жадвал

**Баланс ликвидлиги таҳлили<sup>8</sup>**

Мутлақ ликвидлик	Давр бошига	Давр охири
$A1 \geq P1$	486785859<1566144707	482348947<1623011224
$A2 \geq P2$	1668728490>201758222	2681346330>53414207
$A3 \geq P3$	94440412906>16767327464	9792238653>18758218766
$A4 \leq P4$	24263525866>17433360843	23639636266>16154083174

Амалдаги ҳолат бўйича ўз айланма маблағлари нақдлиги ўз маблағлари манбаси(16.1)+Узоқ муддатли қарз капитали(18.7)-узоқ муддатли активлар(23.6)=айланма активларни молиялаштиришда ўз маблағларининг нақдлиги 11.2 триллион сўмни ташкил қилган. Бироқ 11.2 триллион сўмнинг 8.0 триллион сўми келгуси давр харажатларига сатрида акс этган.

Тўртинчидан, акциядорлик жамияти жорий даврда мақсадли молиялаштириш бўйича давлатдан 289 миллиард сўмлик молиялаштириш манбасига ҳам эга бўлганлиги сохани бозор қонун қоидалари асосида фаолият юритишига нисбатан аниқ чораларни кўришни талааб этади.

Ушбу қатор бўйича акс этган ракамлар юзасидан эса мазкур ташкилотнинг йирик солиқ тўловчи сифатидагина эътироф этилиши эса тўғри эмас.

Қуйидаги, Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамиятининг нисбий молиявий кўрсаткичларда унинг молиявий ҳолатининг жорий ҳолати ва уларнинг келгусидаги кутилишлари юзасидан таҳлилий хулосларни берib ўтишни лозим топдик.

Ўзбекистон Темир йўллари АЖ нинг Бухгалтерия баланси ликвидлигини нисбий ифодалари

11-жадвал

**Доимий харакатдаги активларнинг(A1) тўлов муддати келган  
мажбуриятларга(P1) нисбати<sup>9</sup>**

Т/р	Коэффициентлар	Давр боши	Давр охири
1.	$A1/P1$	0.318	0.297
2.	$A1/P1+P2$	0.275	0.278
3.	$A1/P1+P2+P3$	0.0258	0.0233

<sup>8</sup> <https://railway.uz> –Ўзбекистон темир йўллари АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

<sup>9</sup> <https://railway.uz> –Ўзбекистон темир йўллари АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Доимий харакатдаги активларнинг тўлов мудати келган мажбуриятларга нисбати 0.318 дан 0.297 даражага, , жами мажбуриятларга нисбатан ўзгариши

0.0258 даражадан 0.0233 даражага тушган, жорий мажбуриятларга нисбатан ўзгариши эса 0.275 даражадан 0.278 даражага ортган.

#### 12-жадвал

##### Доимий харакатдаги ва тез пулга айланадиган активларнинг мажбуриятларга нисбати

1.	A1+A2/ П1	1.376	1.949
2.	A1+A2/ П1+П2	1.219	1.887
3.	A1+A2/ П1+П+П3	0.09000	0.1548

Доимий харакатдаги ва тез пулга айланадиган активларнинг жами карз капитали, жорий мажбуриятлар ва кредиторлик мажбуриятларига нисбатан ўзгаришларини ижобий баҳолаш мумкин.

Кредиторликкарзлари, жорий мажбуриятларга нисбатан жорий

активларнинг тўпланишини давр боши ва давр охирига нисбатн ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ ,жами мажбуриятлар бўйича тўлов маблағларининг нақдлигига 1 дан кичик қийматнинг эътироф этилиши номақбул ҳолат сифатида эътироф этилади.

#### 13-жадвал

##### Доимий харакатдаги активлар(A1), тез пулга айланадиган активлар (A2) ва секин пулга айланадиган активларнинг мажбуриятларга нисбати<sup>10</sup>

1.	A1+A2+A3/ П1	7.653	8.105
2.	A1+A2+A3/ П1+П2	6.780	7.847
3.	A1+A2+A3/ П1+П2+П3	0.637	0.861

#### 14-жадвал

##### Доимий пассивлар (П4), узоқ муддатли(П3), қисқа муддатли мажбуриятларнинг (П3) қийин сотиладиган активлар(A4), секин сотиладиган активлар(A3) молиялаштириш даражаси<sup>11</sup>

1.	П4/A4	0.718	0.683
2.	(П4+П3)-A4/A3	1.052	1.151
3.	(П4+П3)-A4+П2/A3	1.074	1.156

<sup>10</sup> <https://railway.uz> –Ўзбекистон темир йўллари АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

<sup>11</sup> <https://railway.uz> –Ўзбекистон темир йўллари АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Таҳлилда энг мураккаб жараён бу ликвидликка таъсир этувчи бирликларни омилли таҳлил этиш ҳисобланади. Қўйидаги баланс ликвидлиги ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили, унинг методологик жиҳатлари, муаммолари билан танишиб чиқамиз.

Тўлов лаёқатига таъсир этувчи муҳим бирликлар бўйича қўйидаги жиҳатларни алоҳида таркиблаб ўтиш лозим:

-корхонада, қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга етарли хажмда ликвид активлар(пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар)га эга бўлиш;

-ҳисоб-китобларда мулкий хуқуқлар ва мажбуриятларни аниқ шартларида барча ҳисоб-китоб шаклларига амал этиш;

**Хуроса.** Бухгалтерия баланси ликвидлиги ва тўлов лаёқати, уларни таҳлил этишнинг методологик асослари ва муҳим муаммолари юзасидан қўйидаги хуросаларга келинди:

-корхона бухгалтерия баланси ликвидлиги ҳамда тўлов лаёқатини баҳолаш бўйича норматив хуқуқий асоснинг йўқлиги, аниқ услубий кўрсатманинг мавжуд эмаслиги уларни баҳолашнинг турлича ёндашувларига сабаб бўлмоқда.

-ликвидликни баҳолашда активларни пулга айланиши бўйича қайта таркибланиши ва уларнинг гурухига баланс қаторларини жамланишида аниқ тартиларнинг йўқлиги ҳам таҳлил техникасининг турлича бўлишига олиб келмоқда;

-балансли боғланишидаги актив, капитал ва мажбуриятларнинг тенгилигидан, бир таркибининг ўзгаришидаги ижобий фарқ иккинчи таркиб ўзгаришидаги салбий натижанинг ёки аксинча ҳолатнинг кузатилиши сабабли баланс ликвидлиги ва тўлов

-корхонада товар моддий захиралар, келгуси давр харажатлари, кечикирилган харажатларнинг оптимал хажмини сақлаш;

-маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш хажми бўйича режадаги ва лойидаги кўрсаткичларига қатий амал этиш;

-дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ўзаро нисбатида ижобий фарқланишини сақланиши ва уларнинг муддатли қопланиши бўйича доимий мониторингни юритиш;

-мижозлар молиявий имкониятларини баҳолаш ва молиявий муносабатларда тўловларни кафолатланган манбаларига таяниш;

-амалдаги солиқ қонунчилигининг муҳим қоидаларидага таянган ҳолда оптимал солиққа тортишнинг муҳим ечимларига келиш ва х.к.

лаёқатини доимо комплекс ўрганиш заруриятини юзага чиқаради;

-бухгалтерия балансидағи ўз маблағлари манбаси ва уларнинг активни молиялаштиришдаги салмоғи собиқ иттифоқ давридан қолган нормалар асосида баҳолаб келинаётганлиги ҳам таҳлилдаги энг муҳим муаммолардан биттаси ҳисобланади. Бугунги кунда активларни молиялаштиришда асосий улуш карз капитали хиссасига тўғри келмоқда. Яъни, узоқ муддати активлар бўйича узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар, товар моддий захиралар бўйича қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар, шунингдек кредиторлик қарздорлик ҳисобига фаолиятни йўлга қўйишга устунлик берилмоқда;

-тўлов лақатини баҳолашда одатда учта муҳим кўрсаткич: мутлақ, тезкор ва умумий кўрсаткичларни аниқлаш ва баҳолаш амалиёти йўлга қўйилган. Бироқ, мутлақ ва тезкор тўлов лаёқати кўрсаткичларини баҳолашдаги натижаларнинг ижобий ёки салбий жиҳатлари стратегик қарорлар учун

етарли эмас. Чунки ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳар қандай натижа ҳам 12 ой ва ундан ортиқ муддат учун кафолатнинг гарови бўла олмайди;

-активларни жойлаштириши оптималлаштириш масаласи ҳам ликвидлилик ва тўлов лаёқатини баҳолашда муҳим масала сифатида қаралади. Бироқ, активларни узоқ муддатли ёки айланма активларга нисбатан усишини барча ҳолатларда ижобий баҳолаш мумкин агар ушбу ўсиш

фойда ёки капиталнинг бошқа қатори хисобига ўрган бўлса;

-тўлов лаёқатини баҳолашда узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмини ажратиш масаласи ҳам муҳим муаммоли мавзу хисобланади. Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларнинг жорий қисмини аниқлашда одатда таҳлил қилинаётган давр бўйича тегишли қисми ажратиб олиниши лозим. Бу эса таҳлил техникасини ҳам ўзгартиришни талаб этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/3107036>
3. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ти Карори. <https://lex.uz/ru/docs/4746047>
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон. НМИУ, 2017. - 104 б.
5. Вахрушиной М.А.. Анализ финансовой отчетности. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2022. - 434 с.
6. Ефимова, О.В. Финансовый анализ: современный инструментарий для принятия экономических решений: Учебник. М.: Омега-Л. 2013.- 349 с.
7. Жилкина А.Н. Финансовый анализ. Учебник. М.: Юрайт, 2018. – 285 с.
8. Казакова Н.А. Финансовый анализ. Учебник. М.: Юрайт, 2018. – 470 с.
9. Мельник М. В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. М.:ФОРУМ: ИНФРА-М, 2020. – 208 с.
10. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Принт Лине Гроуп, 2017.-533 б.
11. Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.:Иқтисод-Молия, 2019. -736 б.
12. Рахимов М.Ю. Молиявий ҳисбот таҳлили. Дарслик. – Т.:Ниҳол-принт, 2021. -450 б.



13. Рахимов М.Ю. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Дарслик. Т.: Нихол-принт, 2021. -492 б.
14. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – М.:Инфра-М, 2013.
15. Шеремет А. Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. М.:ИНФРА-М, 2021. – 374 с.
16. <https://railway.uz> –Ўзбекистон темир йўллари АЖ
17. <https://www.lex.uz-Ўзбекистон> республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси